

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЁШЛАРНИНГ БЕРУНИЙ АКАДЕМИЯСИ**

# **TEKHNKA YULDUZLARI**

**Илмий журнал  
2001 йилда ташкил топган**

**Йилига 4 марта  
чоп этилади**

**«ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТИДА  
ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ»**

мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари

**№3-4. 2012**

---

**МАЛАЯ АКАДЕМИЯ ИМ. БЕРУНИ**

**Научный журнал  
основан в 2001 году**

**Издается 4 раза  
в год**

Материалы республиканской научно-практической конференции  
**«РОЛЬ ОДАРЁННОЙ МОЛОДЕЖИ В РАЗВИТИИ  
НАУКИ И ТЕХНОЛОГИЙ»**

**Тошкент 2012**

Бу механизмга босқичма-босқич ўтиш шароитида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга илмий техника потенциални самарали фойдаланиш, фан ва техника ютуқларини, ҳамда наукаемкай технологияларни амалиётга татбиқ қилиш, кичик ва ўрта татбиркорликни ривожлантиришга республикадаги илмий-техник потенциални жамлашга имкон беради.

#### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. //Маърифат. -Тошкент, 2007. 5-б.
2. Жўраев А.С. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарида инвестиция жараёни //Бозор, пул ва кредит, 2002. 6-сон.

УДК 665.6.7

СТБФ магистранти С.А.Мирзаев,  
илмий раҳбар и.ф.н. А.У.Бурханов, ТошДТУ

#### ЎЗБЕКИСТОНДА НЕФТЬ-ГАЗ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Мақолада Ўзбекистонда нефть-газ тармогининг ҳозирги ҳолати ёритилган ва бу соҳага жалб этилиши мумкин бўлган инвестициялар манбаи кўрсатилган.*

*В статье показано реальное состояние нефтегазовой отрасли Узбекистана и приведены источники привлекательных инвестиций.*

*The article concerns the actual state of oil and gas branch in Uzbekistan, as well as the investment sources to be attracted.*

Сўнги йилларда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон нефть-газ саноати тез суръатлар билан ривожланмоқда. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмини изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга сазовордир» [1]. Президентимиз раҳнамолигида нефть-газ тармоғини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Республикамиз табиий газ қазиб олиш ва уни ташиш бўйича етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу иқтисодиётни фаол модернизациялашга, унинг ривожланишининг

инновацион асосларини мустаҳкамлашга имкон беради. “Бугун Ўзбекистон халқаро табиий газ бозорида барқарорликни таъминлашда сезиларли роль ўйнамоқда. Газ қазиб олишнинг ривожланиши билан унинг ўрни ҳам ўсиб боради, бунда халқаро энергетика бозоридаги вазият қўл келади” [2].

Дарҳақиқат нефть-газ табиатимизнинг бебаҳо тухфаси ва нефть-газ саноати халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланиб, республикаimiz ҳудудида очилган кўп сонли нефть-газ конлари халқимизнинг миллий бойлигидир. Нефть-газ – бу ёқилғи-энергетика комплексининг муҳим бир қисмигина бўлиб қолмасдан балки, замонавий кимё саноати учун ҳам қимматбаҳо ҳомашё манбаи ҳисобланади.

Нефть-газ қазиб чиқаришнинг ўсишига, аввало янги конларни очиш ҳисобига ва уларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда захиралардан фойдаланиш даражасини юксалтиришнинг янги усуларини қўллаш ҳисобига эришилмоқда. Ўзбекистон нефть-газ тармоғининг истикболлари ҳақида гап борар экан, шу яқин йиллар мобайнида мазкур соҳани янада ривожлантириш юзасидан кўплаб стратегик лойиҳалар ишлаб чиқилган. 2010-йилдан бошлаб “Устюрт платосида сайғоқларни сақлаб қолиш” лойиҳаси ва “Ўзбекистоннинг нефть-газ секторини интеграллаштириш лойиҳаси”, 2011 йилдан бошлаб “Ўзбекистон нефть-газ тармоғига биохилма-хилликни сақлаш тамойилларини жорий қилиш” стратегик лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳа иккита асосий таркибий қисмдан иборат: 1) Нефть-газ тармоғида биохилма-хилликни сақлаш тамойилларини жорий қилиш учун қулай сиёсий, қонуний ва институционал шароитларни яратиш; 2) Устюрт ясси тоғида нефть-газ операциялари билан боғлиқ фаолиятга биохилма-хилликни сақлаш тамойилларини жорий этиш технологияларни намойиш қилиш. Бу лойиҳаларда кенг қамровли ишларни амалга ошириш назарга олинган бўлиб, уларда бу соҳадаги ҳозирги аҳвол кенг таҳлил қилиниб, яқин йиллар мобайнида нефть-газ тармоғида стратегик жиҳатдан ўзгаришларни бўлиши кўзда тутилган. Ушбу лойиҳаларни яқин келажакда амалга оширилишига ишонч билдирамыз.

Мамлакатимизда “Ўзбекистон нефти ва гази – OGU” кўргазмаси ҳар йили ўтказилиб келади, бу эса хорижий сармоядорлар учун жорий этилган имтиёз ва преференциялар йил сайин хорижий тадбиркорларнинг ҳамкорликка бўлган қизиқишини кучайтиради. Ҳар йили ўтказиладиган ушбу анжуман Ўзбекистоннинг нефть-газ бозорида узоқ муддатли ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган компаниялар учун мулоқот майдонига айланган. Анжуманда дунёнинг ўнлаб давлатларидан 200 дан ортиқ компаниялар вакиллари қатнашиб келади. Иштирокчи давлатлар орасида Ўзбекистон, Хитой, Жанубий Корея, Россия, Эрон ва бошқа мамлакатлар ўрин олган. Ушбу анжуманда қатнашчиларга нефть-газ соҳасида фикр алмашиш, бизнес-алоқаларни йўлга қўйиш ва келгусида ҳамкорликни янада ривожлантириш, янги қўшма стратегик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради.

Юкоридаги ижобий натижалар билан бир қаторда ҳозирги кунда Республикамизнинг саноатини ривожлантиришга таъсир қилаётган муаммолар ҳам мавжуд. Улар фикримизча, куйидагилардан иборат:

- мамлакатда ташкил қилинган реконструкция ва тараққиёт фонди ҳисобида нефть-газ тармоғига киритилаётган инвестициялар миқдорини ошириш;
  - бир вақтнинг ўзида геологоқидирув ва захираларнинг ўсишига, шунингдек, қазиб олинаётган минерал-ҳомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашга йўналтирувчи инвестициялар ҳажминини ошириш;
  - нефть-газ ресурсларини экспорти йўналишларини диверсификациялаш, бунинг учун зарур ҳолларда газ-транспорт тизимини яратишнинг муқобил йўналишларини кўриб чиқиш;
  - электр энергиясини ишлаб чиқаришда, кўмирдан фойдаланишни ҳажминини ошириш ҳисобига, газдан фойдаланишни қисқартиришни амалга ошириш;
  - ҳамма жойларда газни тежайдиган технологияларни жорий қилиш;
  - нефть-газ маҳсулотлари учун олдиндан 100% тўловни жорий қилиш ҳисобига маблағлар тўпланишини яхшилаш, нефть ва газ истеъмолчини ҳисобга олишнинг замонавий электр ускуналарини жорий қилиш, истеъмолчиларга амалда етказиб берилган газ учун счетлар тақдим этишни яхшилаш;
  - кредит ресурсларини жалб қилиш ҳисобига, нефть-газ ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини босқичма-босқич модернизациялашни амалга ошириш. Олинган қарзларни корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан (жумладан, тарифларнинг ўсиши ҳисобига) ҳамда бюджет субсидиялари ҳисобидан қондириш (тарифларнинг маъмурий ўсишини чеклаган ҳолда);
  - тариф сиёсатини такомиллаштириш мақсадида, белгиланган тариф даражалари, истеъмолчиларнинг бу тарифлар учун ҳақ тўлаш имкониятлари, тармоқни молиялаштиришда давлатнинг эҳтиёжларини баҳолаш учун капитал қўйилмалар ва самарадорлик даражасини қамраб олувчи моделлар асосида, корхоналар секторларининг инвестицион ва молиявий режалаштириш тизимини киритишни кўзда тутиш керак.
- Ҳозирги кунда нефть-газ конларини қидириш ва излаш, кудуқларни бурғилаш, қонда нефть-газ қазиб олиш ва унинг маҳсулотларини йиғиш ҳамда кувурлар орқали узатиш, нефть-газ қайта ишлаш, ер ости газ омборлари ва саноатимиздаги қурилиш ишлари билан шуғулланадиган йирик бирлашма ва бошқармаларнинг иши “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси томонидан бошқарилади.

Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов нефть-газ тармоғини ривожлантиришга катта эътибор қаратаётганлиги ва давлатимиз томонидан нефть-газ тармоғининг келажакдаги истикболини янада кенгайтиришга ҳар томонлама имкон яратиб берилётганлиги бунга яққол мисолдир.

#### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. Каримова Г. Нефтегазовая вертикаль. -М., 2007.
3. [www.ung.uz](http://www.ung.uz) “Ўзбекнефтегаз” МХК.
4. [www.uza.uz](http://www.uza.uz) “Ўзбекистон ахборот агентлиги”.

УДК 339.732

Студент ФУОП М.Л.Машарипова,  
науч.рук. к.э.н. Д.М.Якубова, ТашГТУ

#### ПРЯМЫЕ ИНОСТРАННЫЕ ИНВЕСТИЦИИ В ПРОМЫШЛЕННОСТЬ УЗБЕКИСТАНА

*В статье показаны привлечение и реализация программ локализации прямых иностранных инвестиций в промышленное производство Узбекистана.*

*Мақолада Ўзбекистон саноат ишлаб чиқаришига тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш кўриб чиқилган.*

*The article considers the attraction and realization of direct foreign investment programs localization in the industrial production of Uzbekistan.*

В 2011 году большое внимание уделялось проведению активной инвестиционной политики, направленной на ускорение модернизации, техническое и технологическое перевооружение действующих и создание новых, современных, высокотехнологичных производств.

В реальный сектор нашей экономики привлечено иностранных инвестиций в объёме почти 2,9 миллиарда долларов США, из которых 78,8 процента составляют прямые иностранные инвестиции [1].

Действенным инструментом структурных преобразований приоритетных отраслей экономики республики выступает государственная политика по привлечению иностранных инвестиций.

## ИҚТИСОДИЁТ

- Б.М.Халилов, А.Р.Бакиев.** Кичик бизнесни ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти ..... 159
- С.А.Мирзаев, А.У.Бурханов.** Ўзбекистонда нефть-газ тармоғини ривожлантириш истиқболлари ..... 162
- М.Л.Машарипова, Д.М.Якубова.** Ўзбекистон саноат ишлаб чиқаришига тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ..... 165
- Ф.Б.Чориева, Д.М.Умарова.** Маҳаллий хомашё асосида саноат корхоналари рақобатбардошлилигини ошириш..... 168
- Ф.Ф.Джураев, А.А.Саманов.** Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда ёшларнинг ўрни ..... 171

## АХБОРОТ

- Г.А.Ахмадова, И.С.Саифназаров.** Ахборот ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни ..... 174
- Sh.Ziyayev, S.Axrorova.** Ma'naviyatni shakllantirish – tarbiyani hal qiluvchi masala ..... 177
- Ш.М.Жумаев, С.Гаибназарова.** Миллий ўзликни англашнинг моҳияти ..... 180
- А.А.Болдирев, Н.Н.Шарипова.** Гаспар Монжа – чизма геометрия фанининг асосчиси ..... 182
- Г.М.Сафаралиева, В.Й.Бобохонова.** Жаҳон шахсий компьютерлар бозори ..... 185
- Н.И.Расулова, Н.Каримова.** Globallashuv davrida axborot xavfsizligi ... 187